

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ШАХСНИНГ ҲАЁТИЙ ПОЗИЦИЯСИ ШАКЛЛАНИШИДАГИ УСТУВОРЛИКЛАР



<https://doi.org/10.24412/2181-1784-2022-23-289-301>

Маматкулов Санжар Тошпулатович

Жиззах ДПИ катта ўқитувчisi

1984sanjar@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Мақолада шахс ҳаётий позициясининг мазмуни очиб берилиб, унинг таркибий тузилишига аниқлик киритилади. Ҳаётий позициянинг ижтимоий ўзгаришилар, объектив шарт-шароитлар билан алоқадорлиги таҳлил қилиниб, Ўзбекистонда фуқароларнинг ҳаётий позицияларидағи ўзгаришилар ва унинг ижтимоий оқибатлари ўрганилади. Шахсий эътиқодлар ва қадриялар тизимидағи доминантлашув жараёни социологик тадқиқот натижаларига кўра таҳлил этилади. Шунингдек, мамлакат ахолисида конструктив ҳаётий позицияни шакллантириши ҳамда деструктив ўзгаришиларнинг олдини олиш борасида муайян таклиф-тавсиялар келтирилади.

Калим сўзлар: шахс, ҳаётий позиция, дунёқараши, қадрият, эътиқод, ҳаётий принцип.

ПРИОРИТЕТЫ ФОРМИРОВАНИЯ ЖИЗНЕННОЙ ПОЗИЦИИ ЛИЧНОСТИ В НОВОМ УЗБЕКИСТАНЕ

Маматкулов Санжар Тошпулатович
старший преподаватель Джизакского ГПИ

1984sanjar@mail.ru

АННОТАЦИЯ

В статье раскрывается содержание жизненной позиции личности и уточняется ее структура. Анализируется связь жизненной позиции с социальными изменениями, объективными условиями, изменением жизненной позиции граждан Узбекистана и его социальными последствиями. Процесс доминирования в системе личностных убеждений и ценностей анализируется по результатам социологического исследования. Также есть конкретные предложения и рекомендации по формированию конструктивной позиции у населения страны и предупреждению деструктивных изменений.

Ключевые слова: личность, жизненная позиция, мировоззрение, ценности, убеждения, жизненный принцип.

PRIORITIES OF FORMING THE LIFE POSITION OF A PERSON IN THE NEW UZBEKISTAN

Mamatkulov Sanjar Toshpulatovich

Senior Lecturer of Jizzakh SPI

1984sanjar@mail.ru

ABSTRACT

The article reveals the content of a person's life position and clarifies its structure. The analysis of the relationship of life position with social changes, objective conditions, changes in the life position of citizens in Uzbekistan and its social consequences are studied. The process of dominance in the system of personal beliefs and values is analyzed according to the results of sociological research. There are also specific proposals and recommendations for the formation of a constructive position in the population of the country and the prevention of destructive changes.

Keywords: personality, life position, worldview, values, beliefs, life principle.

КИРИШ

Мамлакатимиз аҳолисининг ҳозирги ҳолатда устувор қадриятлари ҳамда эътиқодларини аниқлаш орқали уларнинг ҳаётий позицияларини тадқиқ этиш ниҳоятда зарурдир. Бу бир томондан, ижтимоий жараёнларнинг шахснинг ҳаётий позицияси шаклланишига қай тарзда таъсир кўрсатаётганини тушуниш, иккинчи томондан эса, ҳаётий позицияни аниқлаш орқали ижтимоий ўзгаришларнинг оқибатларини олдиндан тасаввур қилиш имконини беради. Зеро, ҳаётий позиция инсоннинг жамиятга ва аксинча, жамиятнинг инсонга таъсирини яхлит ҳолатда ифодаловчи ижтимоий-фалсафий тушунча сифатида муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз аҳолисида, айниқса ёшларда онгли, конструктив, фаол ва барқарор сифатларга эга бўлган ҳаётий позицияни шакллантириш жамият ва давлат олдида турган ниҳоятда долзарб вазифадир. Зеро, соғлом ҳаётий позицияга эга инсонлар билангина жамият тараққиётда юқори мэрраларни забт этиши мукин. Шу боисдан ҳам мамлакатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёв “Биз учун ўз долзарблиги ва аҳамиятини йўқотмайдиган масала, бу фарзандларимизни мустақил фикрли, замонавий билим ва касб-хунарларни эгаллаган, мустаҳкам ҳаётий позицияга эга, чинакам ватанпарвар инсонлар сифатида тарбиялаш

вазифасидир”[1, 103] дея масаланинг қанчалик долзарб эканлигини таъкидлайди.

АДАБИЁТЛАР ТАХЛИЛИ ВА МЕТОДЛАР

Ҳаётий позиция онг ва шахснинг бирлигини англатади. Бинобарин, шахс – ўз позициясига, дунёқарашига, ўз ҳаётига нисбатан онгли муносабатга эга бўлган инсондир, бундай инсон ўз қиёфасига эга бўлади. Шахс учун онг нафақат ташқи олам ҳақида билимлар ҳосил қилувчи сифатида, балки муносабат сифатида ҳам фундаментал аҳамиятга эга. С.Л. Рубинштейннинг таъкидлашича, “онгсиз равишда муайян позицияни эгаллаш қобилиятига эга шахс мавжуд эмас”[2, 265].

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ҳаётий муносабатларнинг иккита асосий тури мавжуд: дунёга бўлган онгли-ахлоқий муносабат, бу инсоннинг бошқа инсонларга ва табиатга бўлган муносабати орқали намоён бўлади ҳамда инсоннинг ўз-ўзига бўлган муносабати, бунда субъект ўз ҳаётини қўриб чиқади, ўз манфаатларини бошқалар манфаатлари билан боғлайди.

Рус олимни В.Н. Маркиннинг фикрига кўра, ҳаётий позиция шахсни жамият ҳаётида иштирок этиш усули: қарашлар, эътиқодлар, қадриятлар ва уларнинг шахс хатти-ҳаракатлари билан мувофиқлиги ҳамда атроф дунё билан муносабатларга тадбиқ этиш усули сифатида тавсифланади [3, 46].

“Ҳаётий позиция” тушунчасидаги “ҳаётий” атамаси умумлаштирувчи рол ўйнайди, шахс ҳаётий фаолиятининг барча соҳаларида унинг позицияларини бирлаштиради [4, 50]. Бундан ташқари, у инсоннинг турли таъсирлар, қарама-қарши қарашлар, эътиқодлар, муносабатлар қаршисидаги барқарор ҳолатини ифодалайди. Ҳаётий позициянинг мавжудлиги инсоннинг муайян қарашлари шаклланганлигидан далолат беради [5, 31].

Шахснинг позицияси инсоннинг дунёқараши, принциплари ва хатти-ҳаракатларини, унинг ижтимоий ва касбий фаолиятининг самарадорлигини белгилайди ҳамда ҳаётининг барча соҳаларига сезиларли таъсир кўрсатади. Позицияни ташкил қилувчи субъектив муносабатлар мажмуи ҳар бир лаҳзада шахснинг хатти-ҳаракатларини белгиловчи ва унга дунёда мўлжал олишига имкон берадиган координаталар тизими вазифасини бажаради.

Ҳаётий позиция – шахснинг ўзи, бошқа кишилар ва умуман унинг ҳаёти доирасига тортилган барча нарсаларга нисбатан нисбий барқарор, танланган, устувор муносабатлар тизими, шахс фаолиятининг умумий йўналишини, мазмунини ва тақдирини белгилаб берувчи муҳим шахсий хусусиятларнинг

яхлит интеграл моделидир [6, 22]. Ҳаётий позициянинг ички асосини устувор эътиқодлар, қадриятлар ва принциплар ташкил этади. Унинг йўналганлик ҳусусияти устувор манфаатлар билан белгиланади ҳамда фаолиятда, дунёга ва социумга бўлган муносабатда намоён бўлади.

Шахс ҳаётий позициясининг асосида ҳаётий принциплар, эътиқодлар ва қадриятий мўлжаллар ётади ва булар шахснинг амалий фаолият йўналиши ва усулини, ҳаёт кечириш тарзини белгилаб беради. Принциплар, эътиқодлар, ҳаётий ўрнатмалар (установка), қадриятий мўлжаллар атроф олам ҳақидаги, сабаб-оқибат алокалари тўғрисидаги билимлар жамланмаси ва шахснинг индивидуал ҳаётий тажрибаси билан тақозоланган [7, 118]. Шунингдек, Н.Н.Семке фикрига кўра, инсоннинг ҳаётий позицияси асосини объектив дунё ва унда инсоннинг тутган ўрни ҳақидаги умумий қарашлар тизими – дунёқараш ташкил этади.

НАТИЖАЛАР

Ҳаётий позициянинг муҳим компонентлари – устувор эътиқодлар ҳамда қадриятлар ижтимоий шарт-шароитлар билан боғлиқ равишда ўзгариб борувчи ҳодисалардир. Ўз навбатида, устувор даражага кўтарилиган муайян эътиқодлар ва қадриятлар ҳам ижтимоий жараёнлар динамикасига ўзининг таъсирини кўрсатади. Шу боисдан ҳам, шахснинг дунёқарашидаги конструктив ва деструктив ўзгаришларнинг манбани кенг ижтимоий ҳаётдан қидирмоқ керак.

Шу жиҳатдан келиб чиқиб мамлакатимиз аҳолисининг устувор қадриятлари ва эътиқодларини аниқлаш мақсадида 647 нафар респондент орасида ўtkазилган социологик сўров натижаларига кўра (1-жадвалга қаранг), мамлакатимиз фуқароларининг шахсий қадриятлари устуворлигига кўра қўйидаги ҳолатни намоён этди:

	Қадриятлар	Сўров натижалари		
		Тўғридан -тўғри сўров	Шахс профили (индивидуал устуворлик даражаси)	Умумий кўрсаткич
	Эркинлик (фикр, сўз ва харакат эркинлиги)	65,1%	35,2%	50,1%
	Универсализм (табиат ва бошқа инсонларга нисбатан	52,2%	25,4%	38,8%

	бағрикенглик, адолат ва тенглик)			
	Саломатлик (жисмоний ва рухий)	46,1%	14,5%	30,3%
	Хайрихоҳлик (ўз яқинлари ва атрофдагилар ҳақида қайғуриш, жамоага содиқлик)	36,5%	19,8%	28,1%
	Муваффақият (ижтимоий стандартларга мувофиқ компетенциялар орқали эришилган шахсий муваффақият)	28,5%	17,6%	23%
	Хавфсизлик (шахсий ва ижтимоий ҳавфсизлик, хотиржамлик)	26,5%	19%	22,8%
	Стимуляция (ҳиссий уйғониш, янгилик ҳисси, қийинчилик ва синовларни енгиш)	18,5%	15%	17%
	Конформлик (ўз-ўзини чеклаш, мавжуд тартибларга бўйсуниш)	14,6%	18,1%	16,4%
	Анъаналар (миллий ва диний анъаналар)	14,6%	15%	14,8%
0	Гедонизм (хар хил даражадаги завқ ва лаззатларни олиш)	13,3%	5,1%	9,2%
1	Куч-қудрат (ижтимоий мавқе, обрӯ, инсонлар ва ресурсларни бошқариш ҳамда ҳукмронлик қилиш имконияти)	3,1%	7%	5,1%

1-жадвал

Натижалардан кўриниб турибдики, респондентларнинг аксарияти эркинлик, универсализм, саломатлик ва хайрихоҳлик қадриятларини ўzlари учун жуда муҳим деб ҳисоблаганлар. Гедонистик ва статусли қадриятлар эса рўйхатнинг оҳиридан ўрин олди. Конформизм ҳамда анъанавийлик қадриятлари ҳам нисбатан кам кўрсаткичга эга бўлди ва бу тарихан миллий анъаналар устувор бўлган маданиятда кузатилиши мумкин бўлган ноёб ҳодисадир.

Бизда қадриятлар устуворлашуви динамикасини аниқлашга имкон берувчи аввал ўтказилган шундай тадқиқотлар мавжуд эмас. Шундай бўлса-да, айтишимиз мумкинки, сўнги йилларда мамлакатимизда олиб борилаётган либерал ислоҳотлар фуқаролар ҳаётида ўз ифодасини топиб, уларнинг дунёқарашида, қадриятий мўлжалларида сезиларли ўзгаришларга сабаб бўлаётганини англаш қийин эмас. Бу, бир томондан, шахснинг сўз ва виждон эркинлигини таъминлашга қаратилган ислоҳотлар натижасида яратилаётган шарт-шароитлар билан, иккинчи томондан, фуқаролар онгида тобора эркинликка бўлган талабнинг ортиб бораётгани билан боғлик.

Мамлакатимиз ахолисининг шахсий қадриятлари иерархиясида индивидуалистик қадрияларнинг доминантлашуви сўнги йилларда давлатимизнинг бозор иқтисодига ўтишга қаратилган ислоҳотларининг жадаллаштирилиши билан боғлик. Бундай ҳолатда, табиий равишда эркинлик ҳамда шахсий муваффақиятга қаратилган қадриятларга нисбатан талабнинг ортиши характерлидир. Универсализм (табиат ва инсонларга нисбатан бағрикенглик, адолат ва тенглик) ҳамда хайриҳоҳлик (ўз яқинлари ва атрофдагилар ҳақида қайгуриш, жамоага содиқлик) каби социализациявий қадриятларнинг устуворлиги эса халқимизнинг узоқ тарихий яшаш тарзида қарор топган яхши қўни-қўшничилик муносабатлари, толерантлик ҳамда оиласпарварлик фазилатлари билан узвий боғлиқдир. Шунингдек, бозор муносабатларига ўтишда ижтимоий табақаланишнинг кескин ортиши ҳам тенглик ва адолат тамойилларини актуаллаштирувчи муҳим омил эканлигини унутмаслик лозим.

Респондентларнинг 30,3% қисми саломатликни устувор қадрият сифатида тан олишлари ҳозирги пандемия шароити билан ҳам алоқадор. Зеро, ҳозирда бутун жаҳонда саломатликни сақлаш ҳаёт-мамот даражасидаги масалага айланганлиги айни ҳақиқат. Пандемия шароитида ҳеч бир оила ўз яқинларининг саломатлиги билан боғлиқ муаммони четлаб ўта олмади. Шу сабабдан ҳам саломатлик ўз яқинларига ғамхўрлик қилиш қадриятлари билан узвий алоқадорликда актуаллашди.

Умуман мамлакатимиз ахолиси орасида эркинлик, универсализм, саломатлик ҳамда хайриҳоҳлик қадриятлари муҳим ҳаётий мўлжал ҳамда мақсадлар сифатида шахс ҳаётий позициясининг мотивацион йўналишини акс эттиради. Бироқ, шахсий қадриятлар устуворлигини аниқлашга қаратилган мазкур тадқиқот респондентларнинг ҳақиқий ички позициясини, ҳатти-харакатларининг реал йўналишини акс эттирмаслиги ҳам мумкин. Чунки

аксарият кишилар ҳаётда бир нарсани ўйлайди, бошқасини айтади ва хатти-харакатлар умуман ўзгача йўсинда олиб борилиши мумкин. Буни тадқиқотимизнинг кейинги сўров натижалари ҳам кўрсатиб турибди. Хусусан, “Сизнинг ҳаёtingизга нима кўпроқ маъно беради? Ҳаёtingиздаги бош мақсадингиз нима?” тарзида қўйилган саволга респондентларнинг жавоби қўйидагича бўлди (2-жадвалга қаранг):

	Сизнинг ҳаёtingизга нима кўпроқ маъно беради? Ҳаёtingиздаги бош мақсадингиз нима?	Сўров натижалари
	Диний эътиқод, дин талабларини сўзсиз бажариш ва Худонинг олдида мўъмин банда бўлиш. (Диний)	28,5%
	Ҳаётда яратувчилик (ижодий) фаолияти билан шуғулланиш ва жамият учун фойдали ишларни амалга ошириш. (Ижтимоий-ижодий)	25,6%
	Бой-бадавлат бўлиб бирорга қарам бўлмасдан умр кечириш. (Иқтисодий)	10,2%
	Ўзим учун аҳамиятли бўлган касб ёки фаолият тури билан машғул бўлиш, касбим ҳаётим мазмунидир. (Касбий ёки фаолиятий)	9%
	Ҳаётнинг бор ҳузур-ҳаловатидан фойдаланиш, умрни завқу-шавқ билан ўтказиш. (Гедонистик)	8,8%
	Ҳамма каби осуда ҳаёт кечириш, тартиб- коидаларга, урф-одатларга тўла амал қилиш ва бошқалардан ажралиб қолмаслик. (Конформистик)	8,2%
	Авлодлар давомийлигини таъминлаш, фарзандлар ва набиралар иқболини кўриш, уларнинг бахту-саодати учун яшаш. (Ижтимоий-демографик)	6,3%
	Бошқаларнинг ташвиши билан яшаш, жамият манфаатлари учун шахсий ҳузур-ҳаловатдан воз кешиб фидокорона ҳаёт кечириш. (Ижодий- альtruistick)	3,4%

2-жадвал

Сўров натижаларидан маълум бўладики, юртдошларимизнинг ўз ҳаётлари маъносини тушунишда теологик ёки диний эътиқод 28,5%, ижтимоий-ижодий фаолият билан яшаш 25,6% кўрсаткич билан яққол устунликни

кўрсатди. Иқтисодий - 10,2%, касбий – 9%, гедонистик – 8,8%, конформистик – 8,2% кўрсаткич билан ўртача даражани эгаллади. Ҳаёт маъносини ижтимоий-демографик жиҳатдан тушуниш – 6,3%, ижодий-альtruистик эса – 3,4% билан энг қўйи даражани банд этди.

Мазкур тадқиқот натижалари аввалги қадриятлар устуворлиги билан мувофиқ эмас, ваҳоланки респондентлар аудиторияси бир ҳил эди. Масалан, шундай зидлик яқинларга нисбатан ғамхўрлик ҳамда анъаналарга содиқлик қадриятлари билан диний ва ижтимоий-демографик ҳаёт маъноси ўртасидаги тафовутда кузатилди. Шахсий қадриятлар иерархиясида яқинларга ғамхўрлик қилиш қадрияти юқори кўрсатгичга эга бўлган бўлса, шахсий маънолар тизимида ҳудди шу қадриятга мувофиқ келувчи “авлодлар давомийлигини таъминлаш, фарзандлар ва набиралар иқболини кўриш, уларнинг бахту-саодати учун яшаш” каби ҳаётий мақсад (ижтимоий-демографик ҳаёт маъноси) энг кам кўрсаткичга эга бўлди. Шунингдек, қадриятлар тизимида анъаналар (диний ва миллий) паст даражани кўрсатиб, ушбу қадриятлар тизимига мувофиқ келувчи диний эътиқод асосида ҳаёт маъносини тушуниш энг юқори даражани банд этди. Демак, фикримизча, аксарият инсонларда қадриятлар ҳамда эътиқодлар тизими ўртасида номувофиқлик мавжуд ва буни уларнинг ҳаётий амалиёти ҳамда улар қабул қилган назарий конструкциялар ўртасида тафовут борлиги билан изоҳлаш мумкин.

Шунингдек, тадқиқот сўровида фуқароларнинг бош ҳаётий тамойилларини аниқлаш ҳам белгиланган бўлиб, хусусан унда “қуйидаги ғоялардан қайси бири сизнинг ҳаётингизнинг бош тамойилига мувофиқ келади?” деган савол билан мурожаат қилинди (3-жадвалга қаранг). Мазкур саволдан мақсад респондентларнинг ўлимга нисбатан позициясини ҳамда ҳаётдаги бош яшаш принципини аниқлаш эди.

	Қуйидаги ғоялардан қайси бири ҳаётингизнинг бош тамойилига мувофиқ келади?	Сўров натижалари
	“Инсон ўлимидан сўнг унинг рухи ҳаётини қандай ўтказганига қараб дўзахга ёки жаннатга тушади. Ҳаёт бу - имтиҳондир”.	50,5%
	“Ўлимидан сўнг инсон бошқалар хотирасида қилган ишлари, яхши амаллари билан яшашда давом этади”.	32,7%
	“Ўлимдан кейин ҳеч нарса бўлмайди, шунинг учун имкони бўлган ҳамма нарсани ҳаётдан олиб	9,9%

	қолиш керак”.	
	“Ўлимдан сўнг инсон фарзандлари ва набираларида яшашни давом эттиради”.	5,4%
	“Инсон ўлгандан кейин ҳамма нарса йўқолади, шунинг учун ҳар қандай ҳаракат ва интилишлар бехуда”.	1,5%

3-жадвал

Сўров натижаси ҳаётий маъноларни ифодаловчи устувор эътиқодлар билан деярли бир ҳил натижани қайд этди. Яъни, кишиларнинг ҳаёт маъноси ҳақидаги бош эътиқодлари айни вақтда бош ҳаётий принципларига тўла-тўкис мувофиқ келишини ҳам кўрсатди.

Умуман респондентларнинг ҳаётий принциплари қуидаги тартибда устуворликка эга эканлиги сўров натижасида маълум бўлди: диний – 50,5%, ижтимоий-ижодий – 32,7%, истеъмолчи – 9,9%, ижтимоий-демографик – 5,4%, нигилистик – 1,5%.

Натижалардан қўриниб турибдики, респондентларнинг аксарияти (50,5%) диний кўрсатмалар бўйича ҳаёт кечиришни ўзларининг ҳаётий принциплари сифатида қабул қилганлар. Бундай шахслар ҳаётни “Худонинг синови” сифатида тушунадилар ҳамда диний ритуаллар бўйича ҳаёт кечирадилар. Диий-ахлоқий меъёрларга амал қилиш даражаси бундай шахсларда юқори бўлади. Бироқ, бундай шахслар ижтимоий ижобий фаолликни доим ҳам намоён этмайдилар. Чунки шахсий ташаббусдан кўра диний кўрсатмалар ҳамда йўл-йўриқлар улар фаоллиятининг асосий детерминантига айланади.

Ижтимоий-ижодий фаолият орқали ижтимоий хотирада абадиятга даҳлдор бўлиш истаги эса иккинчиликни банд этди (32,7%). Ўлимга (аслида ҳаётга) бўлган бундай ёндашув инсонни ижтимоий фойдали фаолиятга, ижодкорликка ундейди. Бундай шахсларда ватанпарварлик, жамиятга нисбатан даҳлдорлик ҳисси юқори бўлади, ҳаётий позицияси эса “ижодий фаоллик” принципига мувофиқ келади.

Респондентларнинг қарийб 10%и истеъмолчилик позициясини танлаган ва имкон борича ҳаётдан кўпроқ нарсани олиб қолиш истагини билдирганлар. Бу гедонистик қадриятлар кўрсаткичига мос келади (9,2%). Албатта бу кам кўрсаткич эмас. Бундай эгоцентрик ҳаётий позицияга эга бўлган шахслар асосан мол-дунёга ўч ҳамда ижтимоий масъулиятни ўзидан сокит қилишга мойил бўлган маргинал қатламларда кўпроқ учрайди. Жамиятда бундай шахслар салмоғининг ортиб бориши миллий маънавий-ахлоқий

қадриятларнинг емирилишига ҳамда ижтимоий ўзаро ишонч руҳининг инқиrozига олиб келиши мумкин.

Шунингдек, сўров иштирокчилари орасида ижтимоий-демографик (5,4%) ҳамда нигилистик (1,5%) ҳаётий принципга эга бўлганлар жуда камчиликни ташкил этди.

МУҲОКАМА

Фикримизча, аҳолимиз орасида диний принциплар бўйича ҳаёт кечиришнинг устуворлашиб бориши сўнги даврларда эътиқод эркинлигини таъминлашга қаратилган ислоҳотларнинг жадаллашуви, ислом динини миллий ўзликни англашнинг муҳим омили сифатида тан олиш, диний онг ҳамда амалиётни халқнинг маънавий юксалишидаги ролини оширишга қаратилган давлатнинг маънавий-мафкуравий сиёсати билан узвий боғлиқдир. Бироқ, диний эътиқоднинг кескин оммалашуви диний радикаллашувнинг муҳим омилига айланиши мумкинлигини ҳам назардан соқит қилиб бўлмайди. Иррационал эътиқод, бир томондан, фуқароларда фаталистик ҳаётий позицияни юзага келтириб, ижтимоий пассивликка олиб келса, иккинчи томондан эса, деструктив фаолликни, хусусан диний фанатистик ҳамда экстремистик дунёқарашни, антиижтимоий фаол ҳаётий позицияни шакллантириб, оқибатда назорат қилиб бўлмайдиган ижтимоий бекарорликларни келтириб чиқариши мумкин. Масаланинг айни шу жиҳатини таҳлил этган ўзбекистонлик олимлар Б.М. Бобожонов ва Ш.О. Мадаевалар “Ўзбекистонда мафкура, маданият, фан ва дин: чегарани каерда ва кандай куйиш мумкин?” сарлавҳали мақоласида шундай ёзадилар: “Ислом динининг тикланиши”га фақат миллий мафкурунинг бир қисми ёки маънавий компоненти сифатида умид боғлаш ўзини оқламади. Аксинча, турли доираларда ислом динини ўртага қўйиб гапиришга берилиш (жумладан, баъзи мансабдор шахслар тарафидан) барча, айниқса мафкура ва таълим соҳаларида бевосита ёки билвосита равишда тўқнашуву баҳсларнинг янада ортишига сабаб бўлмоқда. Диннинг ҳаётимизга қайтиши билан боғлиқ “қўшимча”, аммо тамомила табиий ҳодисалар, хусусан, ёшларимизнинг муайян қисми орасида ислом динининг экстремистик руҳдаги талқинларига мойиллик борлиги, бошқарувнинг дунёвий шаклига, миллий урф-одатларга ва ҳоказоларга тоқатсизлиги ҳакида гапирмасак ҳам бўлади. Устига-устак, кузатишлиримизга қараганда, қўпинча биз бир қисм ёшларнинг (жумладан, ОТМларда ҳам) шу қадар диний маргиналлашувига дуч келмоқдамизки, кенг маънода мамлакат хавфсизлиги тўғрисида гапириш ўринли бўлади”[9].

Аҳолининг диний билимларини ошириш диний радикаллашувни олдини олишнинг энг тўғри ечими эканлиги борасидаги бирёқлама ёндашувлар нафақат самарали эмас, балки айни дамда ҳавотирли ҳамдир. Чунки, инсонда диний билимларнинг ортиб бориши агар илмий-рационал билимлар ҳамда тафаккурдаги соғлом скептицизм билан омухталашмаса эътиқод тизимида диний билимларнинг мутлақ ҳукмронлик қилишига олиб келади. Бу эса ижтимоий идеалларга тъисир кўрсатади ва натижада диний тартиб-таомиллар билан яшашга ундовчи кучли мотивларни юзага келишига замин ҳозирлайди. Дунёвий тартиб-қоидаларга ҳамда ҳаёт тарзига нисбатан цинистик муносабатлар қарор топа бошлайди ҳамда Р.Мертон таснифидаги ретритистик ёки исёнчиликка мойил шахс типи шаклланади. Албатта, бу давлатчиликнинг дунёвий асосларига жиддий ҳавф туғдириши эҳтимолига кўра ижтимоий-сиёсий ҳавфсизликка, барқарорликка даҳлдор масаладир.

Бизнингча, диний мутаассибликнинг олдини оллиш учун илмий-рационал дунёқараш, гуманистик ахлоқий онг ҳамда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга жиддий эътибор қаратиш лозим. Бунинг учун, аввало, таълимнинг дунёвийлик характерини мустаҳкамлаш, унинг сифатини ошириш, ижтимоий дунёқарашни шакллантирувчи ижтимоий-гуманитар фанларни қисқартириш амалиётидан воз кечиши зарур. Таълимнинг когнитив жиҳатларини мустаҳкамлаш билан бирга, уни хиссий тарбия компонентлари билан бойитиш, бунинг учун экзистенциал педагогикани ривожлантириш ҳам аҳамиятлидир. Шунингдек, аҳоли бандлигини таъминлаш, кишиларнинг ижтимоий турмуш даражасини ошириш каби ижтимоий-иктисодий чора-тадбирлар ҳам ўта зарурий аҳамиятга эга.

ХУЛОСА

Умуман, мамлакатимиз фуқароларининг устувор қадриятлари, эътиқодлари ҳамда ҳаётий принципларининг жорий ҳолатини ўрганиш жараёнида эмпирик-амалий маълумотларни таҳлил қилиш ва илмий-назарий жиҳатдан умумлаштириш натижасида қўйидаги хулосаларга келинди:

- мамлакатимиз фуқароларининг ҳаётий позициялари эркинлик, адолат ва бағрикенглик каби қадриятий мўлжаллар ҳамда диний (исломий) ва ижтимоий-ижодий йўналишдаги эътиқодларнинг устуворлигига асосланганлиги маълум бўлди;

- шахсий қадриятлар тизимида либерал-индивидуалистик ҳамда консерватив-жамоавийлик қадриятларининг доминантлик учун рақобати яққол намоён бўлмоқда. Эътиқодлар тизимида эса диний-авторитар ҳамда ижтимоий-

рационал эътиқодлар рақобатлашмоқда. Бунда диний эътиқодларнинг доминантлашуви жамиятда диний тоқатсизликнинг муҳим омилига айланадиганлигини алоҳида таъкидлаш керак;

- аҳолининг шахсий қадриятлари ва эътиқодлари тизими ўртасида сезиларли номувофиқлик мавжуд бўлиб, буни жамиятда ҳаётй позициянинг қандай модели қўллаб-қувватланиши ҳамда ижтимоийлаштирилиши лозимлиги борасида конкрет бир концепция ва шунга мувофиқ йўлга қўйилган стратегик фаолият мавжуд бўлмаганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Фикримизча, мамлакатимиз аҳолисида ижтимоий даҳлдорлик ҳамда юксак масъулият ҳисси, бағрикенглик, инсонпарварлик, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, ижодкорлик фазилатлари билан йўғрилган ҳаётй позицияни қарор топтиришда қуйидаги йўналишлардаги фаолиятни кучайтириш зарур:

- таълим-тарбия узлуксизлигини таъминлашда “бутун ҳаёт давомида таълим” тамойилини тўла жорий этиш, бунда миллий ғоянинг муҳим тамойилларини шахснинг ҳаётй мақсадлари, интилишлари билан мувофиқлаштиришга жиддий эътибор қаратиш, шахсда ўз-ўзига, жамиятга ва келажакка нисбатан ишонч ҳамда толерантлик руҳини шакллантириш;

- аҳоли орасида ижтимоий скептик ва цинистик кайфиятнинг кучайишини, антиижтимоий ҳаётй позиция оммалашувининг олдини олиш учун жамиятдаги коррупцион жиноятларга қарши курашишни янада кучайтириш, қонун устуворлиги ҳамда ижтимоий адолатни таъминлаш. Бу борада кенг аҳоли қатламининг таашаббусларини ҳисобга олиш;

- шахснинг ҳаётй позицияси ва уни шакллантиришга оид фалсафа, социология ҳамда психология фанлари доирасида фундаментал ва амалий тадқиқотларни кучайтириш, шунингдек мамлакатимиз аҳолисининг устувор эътиқодлари, қадриятлари ҳамда ҳаётй принциплари ўзгаришининг муттасил мониторингини олиб бориш;

- таълим-тарбия жараёнида ижтимоий-гуманитар фанларнинг ўрнини мустаҳкамлаш, уларнинг шахс эътиқодини, қадриятларини, ҳаётй мақсадларини, бир сўз билан айтганда, ҳаётй позициясини ижтимоий мақбул тарзда шакллантиришдаги аҳамиятини эътироф этмоқ, ўқитиш жараёнида ушбу фанларни қисқартириш тенденциясига чек қўймоқ керак.

REFERENCES

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. –Т.: Ўзбекистон, 2017. –Б.103. (Mirziyoev Sh.M. We will build

our great future together with our brave and noble people. –T.: Uzbekistan, 2017. – P.103);

2. Рубинштейн С.Л. Бытие и сознание. –М.: Изд-во АН СССР, 1957. –С.265;
3. Маркин В. Н. Жизненная позиция личности как психолого-акмеологическая категория и феномен социального самоутверждения // Мир психологии. 2005. № 4. –С.46;
4. Семке Н. Н. Активная жизненная позиция советской женщины и ее реализация в сфере общественно-политической деятельности: дис. ... канд. филос. наук. Харьков, 1983. –С.50.
5. Елютина М. Э. Методологические проблемы формирования активной жизненной позиции личности: дис. ... канд. филос. наук. –Саратов, 1984. –С.31;
6. Маматкулов, С.Т. (2020). Дунёқараш ва ҳаётий позиция: структуравий таҳлил. *Philosophy and life*, 1(8), 22-28. (Mamatkulov, S.T. (2020). Worldview and life position: structural analysis. *Philosophy and life*, 1(8), 22-28.
7. Маматкулов, С.Т. (2020). Шахснинг ҳётий позицияси классификацияси// Konsensus, 1(1), 118-126. (Mamatkulov, S.T. (2020). Classification of the life position of the person. Consensus, 1(1), 118-126.
8. Грицанов А. А. Новейший философский словарь. –Минск: Изд. В. М. Скаун, 1998. –С.425;
9. Бобожонов Б.М., Мадаева Ш.О. Ўзбекистонда мафкура, маданият, фан ва дин: чегарани каерда ва кандай кўйиш мумкин? <https://nuz.uz/uz/zhamoat/1190672-%d1%9ezbekistonda-mafkuramadaniyatfan-va-din-chegarani-kaerda-va-kandaj-kujish-mumkin.html>. (Bobojonov B.M., Madaeva Sh.O. Ideology, culture, science and religion in Uzbekistan: where and how to burn the border? <https://nuz.uz/uz/zhamoat/1190672-%d1%9ezbekistonda-mafkuramadaniyatfan-va-din-chegarani-kaerda-va-kandaj-kujish-mumkin.html>).
10. Mo’minov, Sh. Memuar, bag‘ishlov va marsiyalarda rahbar muloqot xulqiga xos qirralarning namoyon bo‘lishi. Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2(2), 689-695.
11. Муминов, С., Эхсонова, М. (2021). Linguapoetic features of English derivations in literary text. Международный журнал языка, образования, перевода, 4(2), 90-67.
12. Мўминов, Ш. С. (2022). Раҳбар нутқининг таъсир ўtkазиши усуллари. Central Asian Research Journal For Interdisciplinary Studies, 2(3), 418-426. <https://doi.org/10.24412/2181-2454-2022-3-418-426>